

Аҳмаджон қори



14:00 / 19.07.2022 1713

Аҳмаджон қори домла 1900 йили Наманган шаҳри «Сардоба» даҳаси «Аминжон» маҳалласи (ҳозирги «Кўқон» кўчаси)да дунёга келди. Падари бузруквори Холмирза ота — уста дурадгор бўлиб, аҳли илм ва аҳли Қуръонларни ўзига дўст тутган ибодатгўй ва тақводор киши бўлган.

Аҳмаджон қори дастлабки диний таълимни оила муҳитида олди. Сўнгра ўша даврнинг машҳур олими Абдусамад (1888-1972) қори домлада давом эттириб, 11 ёшида ҳофизи Каломуллоҳ бўлиб етишади. Кейинчалик Ҳомидхон (1893-1992) маҳдум қўлларида Қуръони Карим такрорини мустаҳкамлайди.

Маълумотларга кўра, Аҳмаджон қори домла узоқ йиллар Сардобадаги «Сирли масжид» ва «Маҳдум эшон» масжидларида Рамазон ойларида хатми Қуръонга ўтиб, халқ хизматида бўлганлар. У зот Рамазонни алоҳида тараддуд билан кутиб олар, эрта тонгдан то кечга давр рўзғор ташвишида меҳнат қилиб, кечқурун хатмонага имомликка ўтар эканлар. Дарҳақиқат, у зотнинг қувваи ҳофизалари ўткирлигидан хатмонага ёлғиз ўтиб, ҳеч қаерда янглишмай, гўзал қироат яқунлар эканлар.

Маҳалладошларининг айтишларича, «Аҳмаджон қори домла оқ сариқдан келган, очиқ чеҳрали, баланд бўйли, оппоқ соқолли киши бўлганлар.

Табиатлари нозик, ваъз қилсалар дин-у исломдан гапирар, бўлмаса сукут билан ерга боққанларича тасбеҳ ўғирирдилар», дея эшлади.

Набиралари Собиржон ака қори домлани шундай эслайдилар: «Бобом раҳматли узоқ йиллар ҳукуматнинг нон ва газлама дўконларида сотувчи, кейинчалик ёғ-мой комбинатида оддий ишчи бўлиб ишлаганлар. Урушдан кейинги даврлардаги очарчилик, ун ва нон маҳсулотлари тақчиллиги пайтида ҳам бобом етимлар, қўни-қўшни-ю маҳалладошлар ҳолидан хабардор бўлиб, ҳаммани кўнгилдан йўл топишга ҳаракат қилардилар.

Қуръон ва суннатга мувофиқ умргузаронлик қилган Аҳмаджон қори домла 1996 йили 96 ёшларида бу ёруғ оламни тарк этдилар. У киши шаҳарнинг катта қабристони «Мавлавий» мазорига дафн этилдилар.

Аҳмаджон қори домла узоқ умрлари давомида икки маротаба оила қурдилар. Аввалги заифалари Саломатхон (1911-1963) ойим бўлиб, улардан бир ўғил ва тўрт қизлари бор.

Улар: Турсунхон (1938-2012), Маҳмудахон (1940), Маҳфузахон (1944-2019) Зоҳидахон (1951) аялар ва Муҳаммад Солиҳ (1946-2014) исмли ўғилларидир.

Аҳмаджон қори домланинг кўз очиб кўрганлари оламдан ўтганлиги боис, Рокияхон (1911-1992) ойим исмли аёл билан иккинчи турмуш қурадилар. Бироқ, улардан зурриёд кўрмаганлар.

Мустақил тадқиқотчи Акрам Шарипов